

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДИНАБИЕВ ОТАЁРЖОН БАХТИЁР ЎҒЛИ**

**ИТЛАР ДИРОФИЛЯРИОЗИНИНГ ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ,  
ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ  
(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**03.00.06 - Зоология**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд -2024**

**Ветеринария фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по ветеринарной наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor phylosofy (PhD)  
on veterinary sciences**

**Абдинабиев Отаёржон Бахтиёр ўғли**

Итлар дирофиляриозининг эпизоотологияси, даволаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш (Самарқанд вилояти мисолида).....3

**Абдинабиев Отаёржон Бахтиёр угли**

Эпизоотология, лечение и разработка меры профилактики дирофиляриоза собак (на примере Самаркандской области)..... 20

**Abdinabiyev Otayorjon Bakhtiyor ugli**

Epizootology, treatment and development of measures to prevent canine dirofilariosis (using the example of the Samarkand region)..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.06/30.12.2019.V.12.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДИНАБИЕВ ОТАЁРЖОН БАХТИЁР ЎҒЛИ**

**ИТЛАР ДИРОФИЛЯРИОЗИНИНГ ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ,  
ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ  
(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**03.00.06 - Зоология**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд -2024**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/V109 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.ssuv.uz](http://www.ssuv.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Сафаров Алишер Абдуқаҳор ўгли  
биология фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** Расулов Ўткир Илашович  
ветеринария фанлари доктори, доцент  
Ғоипова Мўтабар Эргашевна  
ветеринария фанлари фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:** Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/30.12.2019.V.12.01 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил «27» 11 соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140103, Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-76-86; e-mail: [ssuv@edu.uz](mailto:ssuv@edu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 14331 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140103, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77 уй. Тел./факс: (99866) 234-07-86.

Диссертация автореферати 2024 йил «16» 11 куни тарқатилди.  
(2024 йил «16» 11 даги № 15 рақамли реестр баённомаси).



**Х.Б.Юнусов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., профессор

**С.Б.Эшбўриев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, в.ф.д., доцент

**Қ.Н.Норбоев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
в.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жахонда итлар одамлар билан жуда яқин алоқада бўлган, энг кенг тарқалган уй ҳайвони ҳисобланади. Мамлакатимизда сўнги йилларда итлар ва одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар сезиларли даражада ошиб, итлар зооноз гельминт турларининг хавфли тарқатувчисига айланиб бормоқда. Одамлар турли паразит патогенларни ҳайвонларнинг жунлари, озиқ-овқат ёки сув билан бевосита алоқа қилганида, гельминт тухумлари бўлган тана гўштларини истеъмол қилганида юктириши мумкин. Шунингдек, одамларнинг зооноз гельминт турлари билан зарарланишидаги яна бир глобал соғлиқни сақлаш муаммоси ит ахлати томонидан аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларнинг (тупрок) ифлосланиши ҳисобланади.

Дунёда гўштхур ҳайвонлар (Carnivore) шу жумладан, итлар орасида дирофиляриоз кенг тарқалган бўлиб, бугунги кунда касаллик Европа мамлакатлари, АҚШнинг шимолий штатлари ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари ҳамда Африка ҳудудларида кенг тарқалиб бормоқда. Ушбу касаллик одамларда ҳам қайд этилаётганлиги дунёда эпидемиологик вазиятни мураккаблашишига сабаб бўлиши мумкин. Дирофиляриоз (“*diplo, филум*” “*ёмон ип*”) - ҳайвонлар ва одамлар организмида *Dirofilaria* авлодига мансуб гельминтларнинг (нематодалар) паразитлик қилиши натижасида келиб чиқадиган касаллик ҳисобланади. Ушбу касаллик секин ривожланиш ва сурункали кечиши билан тавсифланади.

Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида мавжуд итлар популяциясида дирофиляриоз кўзгатувчиларининг аниқланаётганлиги мамлакатимизда ушбу паразитар касалликка қарши муҳим эпизоотологик ва эпидемиологик тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Шу билан бирга, ушбу касалликнинг кинология питомникларидаги хизмат итлари хизмат сифатига салбий таъсир қиладиганлиги масаланинг долзарб эканлигидан далолат беради.

Мамлакатда чорвачилик тармоқларини ривожлантириш орқали чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг замонавий усулларини кенг жорий этиш, бу орқали кўшилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантириш, чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ҳамда ветеринария хизматини замонавий илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланган ҳолда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сон<sup>1</sup> Фармонида “...ветеринария соҳаси ва барча тармоқларини ривожлантириш, эпизоотик барқарорлик ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5696-сон фармони.

озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда касалликка чидамли ҳайвон турларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш” каби вазифалар бегиланган. Шунингдек, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг (ЖССТ) 2020 йилги йўл харитасига кўра, 2030 йилгача одамларда дирофиляриозни йўқ қилишга эришиш кутилмоқда<sup>2</sup>.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, итлар дирофиляриозининг эпизоотологик (эпидемиологик) ҳолатини аниқлаш, касаллик кўзғатувчиларининг экологияси, биологияси ва ривожланиш босқичларини тадқиқ этган ҳолда касалликни ўз вақтида ташхислаш ва олдини олишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон<sup>3</sup>, 2020 уй 5 июндаги ПФ-6005-сон “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” Фармонлари ва Вазирлар маҳкамасининг 2021 уй 18 январдаги 21-сон “Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг миллий кинология маркази фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-187-сон<sup>4</sup> қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг Республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳитни муҳофазаси” устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Турли биоценозларда тарқалган итлар дирофиляриози ва бошқа паразитларининг фаунаси тур таркиби, тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари, алоҳида гуруҳ паразитларининг таксономик ҳолати ҳамда зооноз аҳамиятга эга бўлган паразитар касалликларнинг эпизоотологияси ва эпидемиологияси бўйича хорижлик олимлар E.W.Halliwell, E.R.Morgan, N.L.Macperson, D.Otrantolar томонидан чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари ва Республикамиз олимлари А.М.Петров, Р.Ш.Делянова, И.Х.Иргашев, П.Муминов, И.Х.Каиров, Е.К.Кошанов, Н.М.Матчанов, А.А.Сафаров, А.С.Бердибаев,

<sup>2</sup> Kaikuntod M, et al. Geographic Spatial Distribution Patterns of *Dirofilaria immitis* and *Brugia pahangi* Infection in Community Dogs in Chiang Mai, Thailand. *Animals* (Basel). 2020 Dec 26;11(1):33.

<sup>3</sup> <https://lex.uz/ru/docs/5841063>

<sup>4</sup> <https://old.lex.uz/docs/5933935>

У.Шакарбаевлар томонидан итлар гельминтофаунаси ва дирофиляриозининг тарқалиши, алоҳида турларнинг экологияси, эпизоотологик (эпидемиологик) муҳим паразитозларига қарши кураш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш бўйича тизимли тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ, ушбу тадқиқотлар айнан итлар дирофиляриози ва унинг кўзғатувчиларини тадқиқ этишга бағишланмаган ва касаллик комплекс равишда ўрганилмаган.

Самарқанд вилояти муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудуд эканлиги, вилоятга ташриф буюрадиган сайёҳлар сони кун сайин ортиб бораётганлиги, ҳудудда итлар популяциясининг кўпайганлиги дирофиляриозининг эпизоотологик (эпидемиологик) аҳамиятини ўрганиш ва баҳолаш, кўзғатувчиларининг биологик хусусиятларини аниқлаш, касалликнинг олдини олиш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг илмий ишлар режаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Зоология институтининг “Қорақалпоғистоннинг атроф-муҳит объектлари (яйлов ва сув ҳавзалари) паразитологик мониторинги” номли (4/2021/2022) ҳамда Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси ЖХХ ЖСТБ Кинология бўлинмаси билан тузилган (№7. 25.01.2024) хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Самарқанд вилоятининг шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида тарқалган итлар дирофиляриозини эпизоотологик ҳолатини баҳолаш, касаллик кўзғатувчиларининг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва қарши кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Самарқанд вилоятининг шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида тарқалган итлар дирофиляриозининг эпизоотологик ҳолатини аниқлаш;

касаллик кўзғатувчиларининг биологияси, морфологияси ва экологик хусусиятларини изоҳлаш;

замонавий ташхислаш усулларида фойдаланган ҳолда касаллик кўзғатувчиларининг микрофиларияларини тарқатувчи (*Aedes* ва *Culex* авлоди чивинлари) организмида аниқлаш;

дирофиляриоз кўзғатувчиларини молекуляр идентификация қилиш ва филогенетик муносабатларини изоҳлаш;

дирофиляриозга қарши айрим антигельминтик дори воситаларининг самарадорлигини баҳолаш ва мақбул препаратларни ветеринария амалиётида фойдаланиш учун тавсия этиш;

итлар дирофиляриозининг экологик ва эпизоотологик (эпидемиологик) хусусиятларини ҳамда одамлар учун зооноз хавфини асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Самарқанд вилоятининг шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида тарқалган уй ва дайди итлардан йиғилган гельминтлар ҳамда қон сўрувчи *Aedes* ва *Culex* авлоди чивинлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Самарқанд вилояти шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида тарқалган итлар дирофиляриози кўзғатувчилари ва уларнинг экологик хусусиятлари, айрим антигельминтик дори воситалари самарадорлиги, дирофиляриоз билан зарарланган итларни ташхислаш, даволаш ҳамда олдини олишнинг замонавий усуллари ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда классик ва замонавий усуллар - паразитологик, экологик, молекуляр биологик, биометрик ва қиёсий таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

илк бор Самарқанд вилояти шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида итларда тарқалган дирофиляриознинг эпизоотологияси ўрганилган ва касаллик кўзғатувчилари сифатида *D. immitis* ва *D. repens* нематода турлари аниқланган;

итлар дирофиляриозининг тарқалиши паразитар тизим компонентларининг биоценотик муносабатлари ва Самарқанд вилоятининг ўзига хос экологик ҳамда функционал хусусиятларига боғлиқ эканлиги билан изоҳланган;

итлар ўртасида дирофиляриознинг эпизоотологик ҳолати баҳоланган ҳамда Ургут (55,5%), Жомбой (42,8%) ва Пайариқ (42,2%) туманлари носоғлом ҳудудлар сифатида белгиланган;

итларда аниқланган дирофиляриоз кўзғатувчиларидан *D. immitis* ва *D. repens* нематода турлари молекуляр-генетик жиҳатдан таҳлил қилинган ва халқаро GenBank базасида сақлаш учун жойлаштирилган;

илк бор итлар дирофиляриозининг клиник белгилари рўйхати ишлаб чиқилган ва касалликка ташхис қўйиш мақсадида Кнотт тест усули ташхислашнинг мақбул усули эканлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Самарқанд вилоятининг турли иқлим шароитларида итлар ўртасида дирофиляриознинг тарқалиши, касаллик кўзғатувчиларининг турлари касалликни тарқатувчиларининг хўжайин организмини зарарлаш хусусиятлари илк бор аниқланган;

дирофиляриоз билан одамлар ҳам зарарланишининг потенциал хавфи юқори эканлиги кузатилган;

итлар дирофиляриозининг Самарқанд вилояти бўйича табиий-ўчоқлари аниқланиб, уларнинг Ўзбекистон табиий шароитида бошқа йиртқич сутэмизувчи ҳайвонлар орасида ҳам тарқалиш йўллари тавсифланган;

итлар дирофиляриозининг экологик ва эпизоотологик (эпидемиологик) хусусиятлари тавсифланган ва уларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тавсия этилган;



дирофиляриозга қарши курашишнинг эколого-эпизоотологик асослари ишлаб чиқилиб, касаллик тарқатувчиларига қарши курашиш усуллари ва воситалари самарадорлиги аниқланган;

итлар дирофиляриозига қарши янги комбинатцияланган кенг спектрли антигельминтиклар (Дирофен<sup>®</sup>, Гельминтол) самарадорлиги ўрганилган ва Кинология марказлари амалиётига тавсия этилган;

олинган тадқиқот натижалари республикадаги олий ўқув юртлири ва техникумларнинг ветеринария медицинаси таълим йўналишлари талабалари учун умумий ва хусусий паразитология фанларидан ўқув қўлланмалар ва дарсликлар яратишда фойдаланишлари учун тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда классик ва замонавий усуллар ва илмий ёндашувлардан фойдаланганлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши ва нуфузли халқаро илмий журналларда нашр этилганлиги, илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилиши, хўжалик шартномалари доирасида амалга оширилганлиги, замонавий дастурлар асосида (Biostat, 2007) статистик таҳлил қилинганлиги, шунингдек, олинган амалий натижаларнинг ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти итлар ўртасида дирофиляриоз тарқалишининг ҳар томонлама таҳлил қилинганлиги, дирофиляриознинг эпизоотологик ҳолати баҳоланиб тадқиқот олиб борилган ареалнинг соғлом ва носоғлом ҳудудларга ажратилганлиги, шунингдек, касаллик қўзғатувчи турлари экологиясининг хусусиятлари ва уларнинг тиббий ва ветеринария аҳамияти ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти итлар дирофиляриозини олдини олишнинг экологик ва эпизоотологик жиҳатдан асосланиши, шунингдек, Самарқанд вилояти мисолида касалликнинг тарқалиш характери аниқланганлиги, ташхис қўйиш ва қарши курашиш усуллари ишлаб чиқилганлиги билан ифодланади. Олинган маълумотлардан республиканинг табиий ва урбанизациялашган ҳудудларида итлар ва бошқа йиртқич ҳайвонларнинг дирофиляриозларини даволаш ва олдини олиш учун фойдаланилган. Ушбу натижалар республикада эпизоотик барқарорликни таъминлашга муайян даражада ҳисса қўшади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Итлар дирофиляриозининг эпизоотологияси, даволаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш (Самарқанд вилояти мисолида) мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Итлар дирофиляриози эпизоотологияси, даволаш ва олдини олиш бўйича тавсиялар” ишлаб чиқилган ва Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизматига қарашли хизмат итларига жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги

вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасининг 2024 йил 4 июлдаги №02/23-388-сон маълумотномаси). Натижада Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларининг хизмат итларида дирофиляриоз касаллигини сезиларли даражада камайтиришга ҳамда уларнинг бош сонини сақлаб қолинишига эришилган;

итлар дирофиляриозини даволашда “Дирофен<sup>R</sup>” препарати 1 таб/20 кг, “Гельминтол” суспензияси 2 мл/10 кг оғиз орқали биргаликда қўллаш, олдини олишда “Гельминтол” суспензиясидан 2 мл/10 кг ҳар чоракда бир марта оғиз орқали қўллашга асосланган усуллар ишлаб чиқилиб ветеринария амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасининг 2024 йил 4 июлдаги № 02/23-388-сон маълумотномаси). Натижада итлар дирофиляриозини самарали даволаш ва олдини олишга ҳамда ҳудудда эпизоотик барқарорликни таъминланишига эришилган;

итлар дирофиляриозини ўз вақтида аниқлаш мақсадида Кнотт тест усули ташхислашнинг мақбул усули эканлиги асосланган ва Республика хайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасининг 2024 йил 4 июлдаги № 02/23-388-сон маълумотномаси). Натижада итларда дирофиляриозни яширин даврларида аниқлаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманлари ва симпозиумларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, уларнинг 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, 2 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида нашр этилган. 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Итлар дирофиляриозининг ўрганилганлик ҳолати (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи боби уч қисмдан иборат бўлиб, унда итлар дирофиляриозининг хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганилганлик даражаси, эпизоотологик ва эпидемиологик маълумотларнинг қиёсий таҳлили келтирилган. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудига ушбу касалликнинг кириб келиш омиллари санаб ўтилган ҳамда қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг табиий-географик ҳолати, материал ва методлар”** деб номланган иккинчи боби икки параграфдан иборат бўлиб, унда тадқиқот жойи, объекти ва услублари, тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг табиий-географик ҳолати ва бунинг дирофиляриоз тарқалишидаги аҳамияти батафсил баён қилинган.

Диссертациянинг **“Дирофиляриоз кўзгатувчиларининг систематик ҳолати ва морфологик кўрсаткичлари”** деб номланган учинчи боби ҳам икки бўлимдан иборат бўлиб тадқиқотлар давомида олинган асосий натижалар баён этилган. Шунингдек, кўзгатувчиларнинг морфометрик белгилари ўрганилиб қиёсий таҳлил қилинган ҳамда мавжуд фарқланиш белгилари келтирилган (1-жадвал).

Дирофиляриоз кўзгатувчиларининг систематик таҳлили келтирилиб бунда, *Dirofilaria* авлоди икки кенжа авлодга - *Dirofilaria* ва *Nochtiella* бўлинганлиги, *Dirofilaria* кенжа авлодига мансуб 5 та тур, *Nochtiella* кенжа авлодига мансуб 22 тур киритилганлиги таъкидланган ва ҳар бир турнинг систематик тавфсифи келтирилган.

Бобнинг иккинчи бўлимида эса касаллик кўзгатувчиларининг морфологияси, биологияси ва ривожланиш босқичлари тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг тўртинчи боби **“Самарқанд вилоятида итлар дирофиляриозининг эпизоотологияси ва экологик хусусиятлари”** деб номланиб тўртта бўлимдан иборат қилиб белгиланган. Мазкур боб диссертация иши доирасида олинган асосий натижаларни ифодалайди. Жумладан, Самарқанд вилоятининг шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида тарқалган аҳоли қармоғидаги ва қаровсиз итларнинг дирофиляриоз билан зарарланиш кўрсаткичлари ўрганилган. 2020-2024 йиллар давомида Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳри, Пастарғом, Самарқанд, Булунғур, Жомбой ва Ургут туманлари кесимида ўрганилган 142 бош итлар (дайди, чўпон, уй итлари) тўлиқ гельминтологик ёриб кўриш усули орқали текширилганлиги, текширилган итларнинг 88 боши дайди ва 54 боши уй итлари ҳисобланиши, текширилган 142 бош итлардан 61 боши (42,9%; 95%±CI 42,9±0,082) *D. immitis* билан 18 боши (12,6%) *D.*

*repens* паразит тури билан зарарланганлиги аниқланганлиги келтирилган (2-жадвал ва 1-расм).

**1-жадвал**


**Самарқанд вилояти ҳудудида аниқланган диروفилляриоз  
қўзғатувчиларининг морфометрик кўрсаткичлари (барча морфометрик  
ўлчамлар мм.да кўрсатилган)**

Морфометрик белгилар	<i>D. immitis</i>		<i>D. repens</i>	
	урғочиси	эркаги	урғочиси	эркаги
<b>Етуклик босқичи</b>				
Тана узунлиги	218,3 (177-272)	137,6 (119-162)	88,9 (95-115)	63 (56-70)
Тана кенглиги	0,49 (0,40-0,61)	0,41 (0,34-0,5)	0,45 (0,40-0,54)	0,5 (0,48-0,6)
Қизилўнғач узунлиги	1,29 (1,05-1,57)	1,21 (1,08-1,46)	1,11 (1,0-1,33)	0,95 (0,90- 1,15)
Қизилўнғач кенглиги	0,12 (0,09-0,17)	0,11 (0,09-0,13)	0,10 (0,5-0,15)	0,9 (0,6-0,12)
Нерв халқаси	0,41 (0,33-0,52)	0,40 (0,35-0,47)	0,295 (0,291-0,298)	0,162 (0,160-0,165)
Вулваси	2,68 (2,23-3,26)	-	1,555 (1,445-1,629)	-
Катта спикула	-	0,34 (0,31-0,39)	-	0,540 (0,535-0,548)
Кичик спикула	-	0,17 (0,15-0,19)	-	0,180 (0,180-0,188)
Кутикула қалинлиги	0,048 (0,05 -0,25)	0,033 (0,021-0,024)	0,052 (0,047-0,060)	0,032 (0,028-0,035)
<b>Микрофилляриялар</b>				
Тана узунлиги	0,280 (0,260-0,300)		0,329 (0,296-0,362)	
Тана кенглиги	0,006 (0,004-0,007)		0,008 (0,006-0,010)	

Шунингдек, Самарқанд вилояти Ободонлаштириш бошқармасига қаршли итларни вақтинча сақлаш марказида сақланаётган 159 бош

итлардан қон намуналари олиниб дирофиляриоз кўзгатувчиларининг микрофилярияларини аниқлаш мақсадида лаборатория таҳлиллари ўтказилганда Кнотт тест натижаларига кўра текширилган 159 бош итлардан 41 бошида (25,7%; 95%±CI 25,7±0,068) *D. immitis* L3 босқичли микрофиляриялари аниқланган. Касалланган итларнинг барчаси Самарқанд вилоятининг турли туманларидан келтирилган дайди итлар ҳисобланади.

Микрофиляриялар билан зарарланган итларнинг 26 боши урғочи ва 15 боши эркак жинсига мансуб бўлиб 3 ёшдан 6 ёш оралиғида бўлган. Итларнинг ўртача вазни эса 3 кг.дан 28,5 кг.гача эканлиги қайд этилган.



**1-расм. Самарқанд вилоятининг турли ҳудудларида аниқланган *D. immitis* паразит нематодаси:** а- касалланган итни ўлимидан кейинги текшириш; б - нобуд бўлган итнинг ўнг юрак бўлмасида аниқланган *D. immitis* нематодасининг етуклик босқичи; с- *D. immitis* билан зарарланган *Culex pipiens* чивини; д- Кнотт тести орқали аниқланган микрофиляриялар (микрофиляриялар 1% метилин кўки билан бўялган).

Умумий ва ўрганилган хавф омиллари бўйича тўлиқ гельминтологик ёриб кўрилган итларда аниқланган *D. immitis* паразит нематодасининг тарқалиш даражаси (n=142)

Кўрсаткичлар		Жами итлар сони	Зарарланган итлар сори	Зарарланиш даражаси (%, С.І. <sup>1</sup> )	p <
Яшаш шароити	Дайди	88	41	46,5±0,243	0,265
	Аҳоли қарамоғидаги	54	20	37,0±0,211	
Жинси	Эркак	63	22	34,9±0,137	0,085*
	Урғочи	79	39	49,3±0,272	
Ёши	3-11 ёш	96	49	51,0±0,125	0,005*
	> 11 ёш	46	12	26,0±0,264	
<b>Жами:</b>		<b>142</b>	<b>61</b>	<b>42,9±0,082</b>	

Қисқартмалар: 1: С.І.: 95% ишонч оралиғи, \*: статистик жиҳатдан аҳамиятли, p < 0,05.

Микрофиляриялар билан зарарланган итлар туманлар кесимида таҳлил қилинганда Ургут тумани биринчи ўринни (55,5%; 95%±СІ 55,5±0,229), Жомбой тумани иккинчи ўринни (42,8%; 95%±СІ 42,8±0,258) ва Пайариқ тумани учинчи ўринни (42,3%; 95%±СІ 42,3±0,190) эгаллаши аниқланган. Тадқиқот ўтказилган ҳудудлардан фақатгина Иштихон туманидаги итлардан олинган қон намуналарида дирофиляриоз кўзғатувчиларининг микрофиляриялари аниқланмади (3-жадвал).

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики итларнинг *D. repens* паразит тури билан зарарланиш даражаси *D. immitis* нематодасига нисбатан сезиларли даражада паст (159/18).

Самарқанд вилоятининг турли ҳудудларида дирофиляриоз кўзғатувчиларини қон сўрувчи чивинлар организмида аниқлаш мақсадида 4828 нусха чивинлар йилнинг июль, август ва сентябрь ойларида Жомбой,

Булунғур ва Оқдарё туманларидаги аҳоли хонадонларининг ит сақланадиган ҳудудларидан йиғилди.

3-жадвал

Самарқанд вилоятининг турли ҳудудларида тарқалган қаровсиз (дайди) итларда дирофиляриоз кўзгатувчиларининг тарқалиш кўрсаткичлари (n=159)

Тадқиқот ҳудудлари	Текширилган итлар сони	Кўрсаткичлар							Кнотт тест натижаси			
		Яшаш шароити		Жинси		Ёши			<i>D. immitis</i>		<i>D. repens</i>	
		дайди	Аҳоли қарамоғидаги	♂	♀	≤ 3	2-6	> 6	Зарарланган	%	Зарарланган	%
Пайариқ	26	18	8	14	12	8	5	13	11	42,3	5	19,2
Булунғур	19	16	3	10	9	5	4	10	0	0	2	10,5
Жомбой	14	8	6	6	8	3	3	8	6	42,8	0	0
Оқдарё	20	9	11	7	13	6	7	7	0	0	1	5,0
Ургут	18	13	5	8	10	6	3	9	10	55,5	3	16,6
Пастдарғом	14	9	5	5	9	8	4	2	5	35,7	0	0
Самарқанд ш.	22	20	2	8	14	11	3	8	9	40,9	5	22,7
Каттақўрғон ш.	10	8	2	7	3	7	1	2	0	0	2	20,0
Иштихон	16	12	4	11	5	6	4	6	0	0	0	0
<b>Жами:</b>	<b>159</b>	<b>113</b>	<b>46</b>	<b>76</b>	<b>83</b>	<b>60</b>	<b>34</b>	<b>65</b>	<b>41</b>	<b>25,7</b>	<b>18</b>	<b>11,3</b>

Изоҳ. Шартли бергилар: ♂-эркак; ♀-урғочи; ≤ 3-уч ёшгача бўлган итлар; 2-6-икки ёшдан олти ёшгача бўлган итлар сони; > 6-олти ёшдан катта ёшдаги итлар сони.

Чивинлар турини аниқлаш мақсадида ўтказилган морфологик тадқиқотлар натижаларига кўра *Aedes caspius* (21,9%), *Anopheles maculipennis* (20,9%), *Culex modestus* (18,8%), *Anopheles superpictus* (15,4%), *Culex pipiens* (14,0%) ва *C. pusillus* (8,6%) турлари аниқланди (4-жадвал ва 2-расм).

4-жадвал

Самарқанд вилоятининг ўрганилган ҳудудларидан йиғилган чивинларнинг *D. immitis* личинкалари билан зарарланиш даражаси (n=4828)


Аниқланган чивин турлари	Тадқиқот олиб борилган ҳудудлар				
	Жомбой	Булунғур	Оқдарё	Жами	
	зарарланган /жами (даража, %±С.І. <sup>1</sup> )	зарарланган /жами (даража, %±С.І. <sup>1</sup> )	зарарланган /жами (Rate, %±С.І. <sup>1</sup> )	зарарланган /жами (Rate, %±С.І. <sup>1</sup> )	P <
<i>A. maculipennis</i>	39/580 (6,7±0,019)	11/318 (3,5±0,019)	17/112 (15,2±0,066)	67/1010 (6,6±0,015)	0,000*
<i>A. superpictus</i>	0/220 (0)	0/188 (0)	0/340 (0)	0/748 (0)	
<i>A. caspius</i>	27/610 (4,4±0,015)	5/233 (2,1±0,017)	9/217 (4,1±0,027)	41/1060 (3,9±0,011)	
<i>C. modestus</i>	23/175 (13,1±0,050)	18/286 (6,3±0,027)	18/449 (4,0±0,017)	59/910 (6,5±0,015)	
<i>C. pipiens</i>	41/202 (20,3±0,054)	2/238 (0,8±0,011)	27/240 (11,3±0,039)	70/680 (10,3±0,023)	
<i>C. pusillus</i>	0/190 (0)	0/112 (0)	0/118 (0)	0/420 (0)	
<b>Жами:</b>	<b>130/1977 (6,6±0,011)</b>	<b>36/1375 (2,6±0,007)</b>	<b>71/1476 (4,8±0,011)</b>	<b>237/4828 (4,9±0,005)</b>	

Қисқартмалар: 1: С.І.: 95% ишонч оралиғи, \*: статистик жиҳатдан аҳамиятли,  $p < 0,05$ .

Текширилган 4828 нусха чивинлардан 237 нусхаси (4,9%; 95%±СІ 4,9±0,005) *D. immitis* микрофилариялари аниқланди. Тадқиқот ўтказилган чивинларда *D. repens* паразити микрофилариялари аниқланмади. Зарарланиш даражасига кўра *Culex pipiens* (10,3%; 95%±СІ 10,3±0,023) ва *Anopheles maculipennis* (6,6%; 95%±СІ 6,6±0,015) чивин турларида инвазия интенсивлиги мос равишда 10 дан 26 тагача эканлиги кузатилди.



Зарарланиш кўрсаткичлари *Aedes caspius* да нисбатан минимал даражада (3,9%; 95%±CI 3,9±0,011).



**2-расм. Самарқанд вилоятининг умумий ва ўрганилаётган туманлари бўйича чивин турларининг диροфиляриоз билан зарарланиш даражаси.**

Ўзбекистоннинг марказий қисмида жойлашган Самарқанд вилоятининг турли ҳудудларида, турли шароитларда тарқалган итларнинг диροфиляриоз билан зарарланиш даражасини ўрганиш бўйича олиб борилган илк эпизоотологик тадқиқот ҳисобланиши, шунингдек, кўп қиррали ёндашувлар асосида касаллик ташувчилари орқали юқадиган паразитар касалликнинг тарқалишини тушунишдаги муҳим бўшлиқларни тўлдиришга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Самарқанд вилоятида тарқалган итларнинг диροфиляриоз билан биргаликда бир қатор бошқа гельминтозлар билан бир вақтда зарарланганлигини кузатиш мумкин. Зарарланиш даражалари таҳлил қилинганда итларнинг Токсокароз билан зарарланиш кўрсаткичлари бўйича биринчи ўринни (98,7%), Токсаскаридоз билан иккинчи ўринни (86,2%), Диоктофимоз билан учинчи ўринни (67,5%), Тениидоз билан тўртинчи ўринни (51,2%) Эхинококкоз билан зарарланиш даражаси бўйича бешинчи ўринни (50,0%) эгаллайди (2-расм).

Ушбу расмда Самарқанд вилоятидаги ўрганилган ҳудудларда (Жомбой, Булунгур ва Оқдарё) *D. immitis* личинкалари билан чивинларнинг зарарланиш даражаси 3,8 % дан 10,2% гача эканлиги аниқланганлиги келтирилган.

Самарқанд вилоятида мавжуд дайди, уй ва хизмат итларида диροфиляриоз билан биргаликда учровчи бошқа гельминтозларга ҳам қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш, итларни дегельминтизация қилиш

тадбирларининг давомийлигига жиддий эътибор қаратиш ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя этишни тақозо этади.

Шунингдек, мазкур бобда итлар дирофиляриозининг бошқа гельминтозлар билан бирга учраши борасида олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган (3-расм).



**3-расм. Итлар дирофиляриозининг бошқа гельминтозлар билан бирга учраши ва зарарланиш кўрсаткичлари**

Мазкур бобда итлар дирофиляриозининг клиникаси ва замонавий ташхислаш усуллари ҳам батафсил баён этилган. Жумладан, Итлар дирофиляриозига хос бўлган клиник белгилар ўрганилган ҳамда ташхислаш мақбул усули қўлланилиб амалиётга тавсия этилган.

Диссертация ишининг бешинчи боби “Итлар дирофиляриозини даволаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш” деб номланган бўлиб мазкур бобда итлар дирофиляриозини даволаш ва қарши кураш чоралари бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари келтирилган. Жумладан, дирофиляриоз кўзгатувчиларининг микрофилариялари аниқланган итларда “Дирофен<sup>®</sup>” ва “Гельминтол” препаратларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича ўтказилган тажрибалар натижалари баён этилган. Тадқиқот натижаларига кўра ветеринария препаратлари синовдан ўтказилган тажриба ҳайвонларидан тажрибадан сўнг 6-7 кун ўтгач қайта қон намуналари олиб текширилганда микрофилариялар аниқланмаган. Назорат гуруҳида эса микрофилариялар ривожланишида давом

этаётганлиги кузатилган. Дирофиляриоз кўзгатувчиси бўлмиш *D. immitis* нематодасига қарши қўлланилган “Дирофен<sup>®</sup>” препарати 1 таб/20 кг тирик вазнга оғиз орқали берилганда 93,7% самарадорликка, “Гельминтол” суспензияси 2 мл/10 кг тирик вазнга оғиз орқали берилганда 87,5% самарадорлик кўрсаткичига эга эканлиги аниқланди.

*D. repens* нематодаси билан зарарланган итларда “Дирофен<sup>®</sup>” препарати 1 таб/20 кг тирик вазнга оғиз орқали берилганда 100,0%, “Гельминтол” суспензияси 2 мл/10 кг тирик вазнга оғиз орқали берилганда 85,7% самарадорлик кўрсаткичига эга эканлиги кузатилди.

Ушбу препаратларни синовдан ўтказиш жараёнида барча ёшдаги итлар организмида ножўя таъсир кузатилмаган.

Мазкур препаратларни ит ва мушукларда дирофиляриознинг олдини олиш мақсадида ҳайвонларни ҳар чоракда бир марта тизимли равишда дегельминтизация қилиш тавсия этилади, бу эса атроф-муҳитни патогенлардан ҳимоя қилишга ва ҳайвонларнинг дирофиляриоз бўйича эпизоотик ҳолатининг барқарорлигини таъминлашга ёрдам беради.

Шунингдек. Мазкур бобнинг 5.1-кичик бўлимида ишнинг иқтисодий самарадорлиги келтирилиб ветеринария тадбирлари учун сарфланган 1 сўм харажат ҳисобига иқтисодий самара 5 сўм 78 тийинни ташкил этиши аниқланган.

## ХУЛОСАЛАР

“Итлар дирофиляриозининг эпизоотологияси, даволаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш (Самарқанд вилояти мисолида)” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси доирасида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. *D. immitis* ва *D. repens* нематодалари Самарқанд вилояти ҳудудида тарқалган итлар дирофиляриозининг кўзгатувчилари эканлиги аниқланди.

2. Ўрганилган ҳудудда итларнинг дирофиляриоз билан умумий зарарланиш кўрсаткичлари 55,9% эканлиги, шундан *D. immitis* билан умумий зарарланиш 42,9%, *D. repens* билан 12,6%ни ташкил этиши, инвазия интенсивлиги эса биттадан бир неча ўнлаб намуналаргача кенг диапазонда ўзгариб туриши аниқланди.

3. Итлар ўртасида дирофиляриознинг эпизоотологик ҳолатини баҳоланишига кўра, касаллик тарқалиши бўйича носоғлом ҳудудлар сифатида Ургут (55,5%), Жомбой (42,8%) ва Пайарик (42,2%) туманлари қайд этилди.

4. Итлар дирофиляриозининг тарқалиши паразитар тизим компонентларининг биоценотик муносабатлари ва Самарқанд вилоятининг ўзига хос экологик ҳамда функционал хусусиятларига боғлиқ эканлиги изоҳланди.

5. Тадқиқот олиб борилган ҳудудларда аниқланган дирофиляриоз кўзгатувчилари аксарият ҳолларда аскаридозлар билан бирга учрашлиги

қайд этилди. Жумладан, текширилган итларнинг *T. leonina* билан 86.2%, *T. canis* билан 98.7% зарарланганлиги аниқланди.

6. Дирофиляриоз қўзғатувчиларини тарқатувчилари сифатида аниқланган чивинларда *D. immitis* личинкалари қайд этилди. Зарарланиш даражасига кўра *Culex pipiens* (10,3%; 95%±CI 10,3±0,023) ва *Anopheles maculipennis* (6,6%; 95%±CI 6,6±0,015) чивин турларида инвазия интенсивлиги мос равишда 10 дан 26 тагача эканлиги кузатилди. Зарарланиш кўрсаткичлари *Aedes caspius* чивинида нисбатан минимал даражада (3,9%; 95%±CI 3,9±0,011) эканлиги аниқланди.

7. Жомбой, Булунғур ва Оқдарё туманларида *D. immitis* личинкалари билан чивинларнинг зарарланиш даражаси 3,8 % дан 10,2% гача эканлиги қайд этилди. Жомбой туманидан йиғилган чивинларнинг микрофиляриялар билан зарарланиши энг юқори кўрсаткичга эгаллиги (54,8%) қайд этилди.

8. Итлар дирофиляриозини аниқлашда Кнотт тест усули ташхислашнинг энг мақбул усули эканлиги аниқланди.

9. Итлар дирофиляриозини даволаш мақсадида “Дирофен<sup>R</sup>” - кенг таъсир кўрсаткичига эга янги комбинатцияланган антигельминтик дори воситасининг самарадорлиги синовдан ўтказилиб, препарат 20 кг вазнга 1 таблеткадан оғиз орқали 3 кун бир мартабадан берилиши ветеринария амалиётига жорий этилиши натижасида 1 сўм харажат ҳисобига 5 сўм 78 тийин иқтисодий самарадорликка эришилди.

10. Итлар дирофиляриозини олдини олиш мақсадида “Гельминтол” препарати 10 кг вазнга 2 мл.дан оғиз орқали ҳар чоракда бир мартаба берилиши юқори самарадорликка эга эканлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.06/30.12.2019.V.12.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ВЕТЕРИНАРНОЙ  
МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И  
БИОТЕХНОЛОГИЙ**

**АБДИНАБИЕВ ОТАЁРЖОН БАХТИЁРОВИЧ**

**ЭПИЗООТОЛОГИЯ, ЛЕЧЕНИЕ И РАЗРАБОТКА МЕТОДОВ  
ПРОФИЛАКТИКИ ДИРОФИЛЯРИОЗА СОБАК,  
(НА ПРИМЕРЕ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ)**

**03.00.06-Зоология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ВЕТЕРИНАРНЫМ НАУКАМ**

**Самарканд -2024**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2024.1.PhD/V109.

Диссертация доктора философии (PhD) по ветеринарным наукам выполнена в Самаркандском государственном университете ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.ssuv.uz](http://www.ssuv.uz)) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Сафаров Алишер Абдукахор угли  
доктор биологических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Расулов Уткир Илашович  
доктор ветеринарных наук, доцент

Гаипова Мутабар Эргашевна  
доктор философии ветеринарных наук  
(PhD), доцент

**Ведущая организация:** Научно-исследовательский  
институт ветеринарии

Защита состоится «27» 11 2024 г. в 15<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.06/30.12.2019.V.12.01 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологии (Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77, Тел./факс: (99866) 234-76-86, e-mail: [ssuv@edu.uz](mailto:ssuv@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре в Самаркандском государственном университете ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологии (зарегистрирована за № 14331) Адрес: 140103, город Самарканд, ул. Мирзо Улугбека, 77., Тел./факс: (99866) 234-76-86.

Автореферат разослан «16» 11  
(протокол рассылки № 15 от «16» 2024 г.)



**Х.Б.Юнусов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёной степени,  
д.б.н, профессор

**С.Б.Эшбурiev**  
Учёный секретарь научного совета  
по присуждению учёной степени,  
д.в.н, доцент

**К.Н.Норбоев**  
Председатель научного семинара  
при научном совете по  
присуждению учёной степени,  
д.в.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертационной работы.** Собаки - самые распространенные домашние животные, которые находятся в тесном контакте с людьми. В последние годы в нашей стране значительно усилилось взаимодействие собак и людей, и собаки становятся опасными переносчиками зоонозных гельминтов. Человек может заразиться различными возбудителями паразитов при непосредственном контакте с шерстью животных, пищей или водой, а также при поедании туш, содержащих яйца гельминтов. Также еще одной глобальной проблемой здравоохранения при заражении человека зоонозными видами гельминтов является загрязнение жилых территорий (почвы) фекалиями собак.

Дирофиляриоз широко распространен среди мясоядных животных (Carnivore), в том числе собак, на сегодняшний день заболевание широко распространяется в странах Европы, северных штатах США и странах Юго-Восточной Азии, а также в регионах Африки. Тот факт, что данное заболевание регистрируется и у людей, может стать причиной осложнения эпидемиологической ситуации в мире. Дирофиляриоз («diro, phylum» «плохая нить») — заболевание, вызываемое паразитизмом гельминтов (нематод), принадлежащих к роду *Dirofilaria*, в организме животных и человека. Это заболевание характеризуется медленным развитием и длительным хроническим течением.

Обнаружение возбудителей дирофиляриоза в популяции собак, обитающих в городских и сельских районах нашей республики, требует проведения в стране важных эпизоотологических и эпидемиологических мероприятий против этого паразитарного заболевания. При этом негативное влияние данной болезни на качество службы служебных собак в кинологических питомниках свидетельствует об актуальности данной проблемы.

В республике увеличение производства продукции животноводства, обеспечение безопасности пищевых продуктов, широкое внедрение современных методов производства за счет развития отраслей животноводства в стране, тем самым создавая цепочку добавленной стоимости, развивая кооперационные отношения, эффективно используя достижения современной науки в развитии животноводческой отрасли и ее отраслей уделяется особое внимание. Например, в Постановлении Президента Республики Узбекистан “О мерах по коренному совершенствованию системы государственного управления в области ветеринарии и животноводства” от 28 марта 2019 года УП №-5696-“...расширение научно-исследовательской работы в области ветеринарии в целях обеспечения эпизоотологической устойчивости и безопасности пищевых продуктов по созданию устойчивых к болезням видов

животных”<sup>5</sup>. Также, согласно Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) на 2020 год, по «Дорожной карте» цель по ликвидации дирофиляриоза должна быть достигнута к 2030 году<sup>6</sup>.

